# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 2018 — 2022 ЙИЛЛАРДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш, замонавий тежамкор ва энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиш асосида иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш ва модернизациялаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар республикада иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш йўли билан кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш;

жисмоний ва маънавий эскирган тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини алмаштирган ҳолда ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш;

энергия ресурслари истеъмол қилиниши ва ишлаб чиқарилишининг меъёр бўйича ҳисобга олинишини ташкил этиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизмати ҳақини ҳисоблаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш;

ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига йўл қўймаслик ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда меъёридан ортиқча нобудгарчиликларни камайтириш ҳисобига сарф-харажатларни қисқартиришга йўналтирилган иссиқлик таъминоти тизимида ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

2. 2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

2018 — 2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, жумладан, гелиоқурилмаларни қўллаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда марказий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш комплекс тадбирлари 6-иловага мувофиқ.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари — Дастурнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши учун масъул бўлган ижро этувчи органлар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Кўп хонадонли уйлар ва иссиқлик таъминоти объектлари қуриш бўйича инжиниринг компанияси — Дастур доирасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

«Иссиқликэлектрлойиҳа» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «ЎзИнжиниринг» лойиҳа институти — Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотлари ҳисобланади.

4. Қуйидагилар тасдиқланган Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари сифатида:

а) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш қисмида:

ижтимоий соҳа объектлари учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари;

кўп хонадонли уйлар учун — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, пудрат ташкилотларининг маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

б) марказий қозонхоналарни ҳамда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун — иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг маблағлари;

в) хонадонлар ички якка тартибдаги иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш учун — турар жой ва нотурар жой хоналари мулкдорларининг маблағлари, шунингдек, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари;

г) марказий қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш доирасида лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари (техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари)ни ТИА (ТИҲК) ишлаб чиқиш учун — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

д) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Иссиқликэлектрлойиҳа» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «ЎзИнжиниринг» лойиҳа институти, «ТошуйжойЛИТИ» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 сентябрига қадар марказий қозонхоналарни, иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларнинг ТИА (ТИҲК) ишлаб чиқилиши ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини ҳамда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

лойиҳаларнинг ТИА (ТИҲК) ва лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқланиши натижалари бўйича Дастур доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган пудрат ташкилотларини тегишли тажрибага, техник ва молиявий салоҳиятга эга бўлган ташкилотлар орасидан тендер (танлов) асосида аниқлаш, бунда тендер (танлов) ҳужжатларида маҳаллий қозонхоналар қуриш ва кейинчалик уларга таъмирлаш-сервис хизмати кўрсатиш назарда тутилсин.

6. Дастурни амалга ошириш доирасида бир босқичли тартибда лойиҳаларнинг ТИА (ТИҲК)ларини тасдиқлаш билан бирга лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқишга рухсат берилсин.

7. Лойиҳада энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар ёки хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимидан фойдаланиш назарда тутилмаган янги қурилаётган кўп хонадонли уйлар, шунингдек, ташкилотлар ва идораларнинг бинолари бўйича архитектура-режалаштириш топшириқларига розилик бериш қатъиян тақиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Халқаро қуёш энергияси институти билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизими, қуёш коллекторлари билан бирга лойиҳалаштирилган объектларнинг энергия самарадорлиги бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини, шунингдек, қуёш коллекторларини тайёрлаш, синаш ва қўллаш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сонли қарори билан тузилган Республика энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комиссияси зиммасига (А.Н. Арипов) қуйидаги вазифалар юклансин:

Дастурни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимида энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ҳамда ускуналарни жорий этиш бўйича, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг Дастур амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш;

Дастур параметрларига асосли ўзгартиш ва аниқликлар киритиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари ажратилишини назарда тутсин.

*(10-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПФ-5370-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2020 й., 06/20/5370/0975-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқишда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишни назарда тутсин.

*(11-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон)*

12. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбекэнерго» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари белгиланган тартибда, мансублиги бўйича

қурилаётган маҳаллий қозонхоналарга зарур муҳандислик ва коммуникация тармоқлари тортилишини, шунингдек, табиий газ, электр энергияси ва совуқ сув узлуксиз бериб турилишини таъминласинлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, «Ўздавнефтгазинспекция» ДИ, «Ўздавэнергоназорат» ДИ билан биргаликда маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ўрнатилиши ва фойдаланишга қабул қилиниши устидан доимий назоратни таъминласинлар.

*(13-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон)*

14. Республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар 2023 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловлари тўлашда (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

*LexUZ шарҳи*

*Ушбу Қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 25 апрелдаги 81 (6775)-сонида эълон қилинган.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 апрель,
ПҚ-2912-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
1-ИЛОВА

## 2018 — 2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари

| Т/р | Ҳудудлар номи | Маҳаллий қозонхоналар | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами қозонлар сони | шу жумладан: | | ҳисобланган қиймати* (млн сўм) |
| | | | қозонларни модернизациялаш (алмаштириш) миқдори | реконструкция қилинадиган қозонлар сони | |
| | **Жами** | **668** | **605** | **63** | **144 064** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 12 | 12 | | 555 |
| 2. | Андижон вилояти *** | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 88 | 88 | | 23 000 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Жиззах вилояти | 21 | | 21 | 2 100 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 12 | | 12 | 22 349 |
| 6. | Навоий вилояти ** | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 38 | 38 | | 950 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 12 | 12 | | 1 970 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 11 | 4 | 7 | 3 000 |
| 10. | Сирдарё вилояти *** | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 35 | 32 | 3 | 9 486 |
| 12. | Фарғона вилояти | 48 | 28 | 20 | 8 600 |
| 13. | Хоразм вилояти | 136 | 136 | | 47 600 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 255 | 255 | | 24 454 |
| **шу жумладан йиллар бўйича:** | | | | | |
| | **2018 йил** | **110** | **96** | **14** | **26 762** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 93 |
| 2. | Андижон вилояти | 0 | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 13 | 13 | | 2 737 |
| 4. | Жиззах вилояти | 5 | | 5 | 500 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 4 | | 4 | 11 707 |
| 6. | Навоий вилояти | 0 | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 8 | 8 | | 200 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 5 | 5 | | 821 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 3 | 2 | 1 | 1 000 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 0 | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 6 | 6 | | 199 |
| 12. | Фарғона вилояти | 9 | 5 | 4 | 1 690 |
| 13. | Хоразм вилояти | 10 | 10 | | 3 500 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 45 | 45 | | 4315 |
| | **2019 йил** | **187** | **166** | **21** | **43 117** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 93 |
| 2. | Андижон вилояти | 0 | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 11 | 11 | | 1 737 |
| 4. | Жиззах вилояти | 10 | | 10 | 1 000 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 6 | | 6 | 9 578 |
| 6. | Навоий вилояти | 0 | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 10 | 10 | | 250 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 5 | 5 | | 821 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 2 | 1 | 1 | 600 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 0 | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 8 | 8 | | 2 244 |
| 12. | Фарғона вилояти | 9 | 5 | 4 | 1 690 |
| 13. | Хоразм вилояти | 52 | 52 | | 18 200 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 72 | 72 | | 6 905 |
| | **2020 йил** | **165** | **152** | **13** | **41 297** |
| | **шу жумладан:** | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 4 | 4 | | 185 |
| 2. | Андижон вилояти | 0 | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 18 | 18 | | 5 210 |
| 4. | Жиззах вилояти | 4 | | 4 | 400 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 2 | | 2 | 1 064 |
| 6. | Навоий вилояти | 0 | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 10 | 10 | | 250 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 2 | 2 | | 328 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 2 | 0 | 2 | 400 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 0 | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 8 | 7 | 1 | 2 800 |
| 12. | Фарғона вилояти | 9 | 5 | 4 | 1 690 |
| 13. | Хоразм вилояти | 74 | 74 | | 25 900 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 32 | 32 | | 3 069 |
| | **2021 йил** | **117** | **108** | **9** | **17 491** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 93 |
| 2. | Андижон вилояти | 0 | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 21 | 21 | | 6 079 |
| 4. | Жиззах вилояти | 2 | | 2 | 200 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 0 | | | |
| 6. | Навоий вилояти | 0 | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 6 | 6 | | 150 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 0 | | | |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 2 | | 2 | 400 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 0 | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 7 | 7 | | 2 450 |
| 12. | Фарғона вилояти | 11 | 6 | 5 | 1 790 |
| 13. | Хоразм вилояти | 0 | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри | 66 | 66 | | 6 329 |
| | **2022 йил** | **89** | **83** | **6** | **15 398** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 93 |
| 2. | Андижон вилояти | 0 | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 25 | 25 | | 7 237 |
| 4. | Жиззах вилояти | 0 | | | |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 0 | | | |
| 6. | Навоий вилояти | 0 | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 4 | 4 | | 100 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 0 | | | |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 2 | 1 | 1 | 600 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 0 | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 6 | 4 | 2 | 1 793 |
| 12. | Фарғона вилояти | 10 | 7 | 3 | 1 740 |
| 13. | Хоразм вилояти | 0 | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри | 40 | 40 | | 3 836 |

* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш якунларига кўра аниқлаштирилиши лозим.

** Кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик таъминоти «Навоий КМК» ДКнинг идоравий қозонхоналари томонидан амалга оширилади.

*** Маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
2-ИЛОВА

## 2018 — 2022 йилларда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, жумладан гелиоқурилмаларни қўллаш параметрлари

млн сўм

| Т/р | Ҳудудлар номи | Сони | | Маҳаллий қозонхоналар қурилиши | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | | шу жумладан: | | | | | | | | | |
| | | | | | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил | | 2021 йил | | 2022 йил | |
| | | уйлар | хонадонлар | сони | ҳисобланган қиймати* | сони | ҳисобланган қиймати* | сони | ҳисобланган қиймати* | сони | ҳисобланган қиймати* | сони | ҳисобланган қиймати* | сони | ҳисобланган қиймати* |
| | **Жами** | **4 929** | **153 108** | **1217** | **231 387** | **276** | **47 400** | **311** | **63 686** | **315** | **57 081** | **188** | **38 078** | **127** | **25 142** |
| | **шу жумладан:** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси *** | | | | | | | | | | | | | | |
| | вилоятлар: | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Андижон | 839 | 24 841 | 51 | 22 950 | 15 | 6 750 | 16 | 7 200 | 10 | 4 500 | 7 | 3 150 | 3 | 1 350 |
| 3. | Бухоро | 179 | 5 512 | 22 | 24 000 | 3 | 2 400 | 5 | 5 200 | 8 | 8 600 | 6 | 7 800 | 0 | 0 |
| 4. | Жиззах | 925 | 18 248 | 101 | 41 900 | 20 | 9 200 | 30 | 12 000 | 32 | 13 100 | 17 | 6 800 | 2 | 800 |
| 5. | Қашқадарё | 1 075 | 45 150 | 70 | 31 500 | 25 | 11 250 | 22 | 9 900 | 12 | 5 400 | 7 | 3 150 | 4 | 1 800 |
| 6. | Навоий ** | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Наманган | 48 | 2 112 | 13 | 1 667 | 2 | 256 | 3 | 385 | 3 | 385 | 3 | 385 | 2 | 256 |
| 8. | Самарқанд | 517 | 21 714 | 120 | 27 150 | 24 | 5 430 | 24 | 5 430 | 24 | 5 430 | 24 | 5 430 | 24 | 5 430 |
| 9. | Сурхондарё | 95 | 1 520 | 18 | 3 670 | 3 | 612 | 3 | 612 | 6 | 1 223 | 6 | 1 223 | 0 | 0 |

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 10. | Сирдарё *** | | | | | | | | | | | | | | |
| 11. | Тошкент | 551 | 17 786 | 122 | 43 550 | 1 | 2 352 | 28 | 13 959 | 49 | 9 893 | 22 | 5 340 | 22 | 12 006 |
| 12. | Фарғона | 700 | 16 225 | 700 | 35 000 | 183 | 9 150 | 180 | 9 000 | 171 | 8 550 | 96 | 4 800 | 70 | 3 500 |
| 13. | Хоразм *** | | | | | | | | | | | | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри *** | | | | | | | | | | | | | | |

* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш якунларига кўра аниқлаштирилиши лозим.

** Кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик таъминоти «Навоий КМ» ДКнинг идоравий қозонхоналари томонидан амалга оширилади.

*** Маҳаллий қозонхоналарини қуриш назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
3-ИЛОВА

## 2018 — 2022 йилларда марказий қозонҳоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш

## ПАРАМЕТРЛАРИ

| **Т/р** | **Ҳудудлар номи** | **Марказий (туман) қозонхоналари** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Жами қозонлар сони** | **шу жумладан:** | | **ҳисобланган қиймати* (млн. сўм)** |
| | | | **қозонларни модернизациялаш (алмаштириш) сони** | **қозонларни реконструкция қилиш сони** | |
| | **Жами** | **320** | **262** | **58** | **300 476** |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 9 | 9 | | 43 446 |
| 2. | Андижон вилояти | 9 | 9 | | 10 655 |
| 3. | Бухоро вилояти | 58 | 58 | | 31 100 |
| 4. | Жиззах вилояти | 38 | 33 | 5 | 15 330 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 6 | 1 | 5 | 18 807 |
| 6. | Навоий вилояти ** | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 10 | 10 | | 19 500 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 39 | 39 | | 65 717 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 21 | | 21 | 25 148 |
| 10. | Сирдарё вилояти *** | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 105 | 84 | 21 | 53 416 |
| 12. | Фарғона вилояти | 12 | 7 | 5 | 12 370 |
| 13. | Хоразм вилояти | 11 | 11 | | 4 436 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 2 | 1 | 1 | 550 |
| **шу жумладан йиллар бўйича:** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **2018 йил** | 56 | 49 | 7 | 75 980 |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 | 1 | | 4 827 |
| 2. | Андижон вилояти | 6 | 6 | | 6 900 |
| 3. | Бухоро вилояти | 6 | 6 | | 2 000 |
| 4. | Жиззах вилояти | 1 | 1 | | 438 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 2 | 1 | 1 | 6 269 |
| 6. | Навоий вилояти | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 2 | 2 | | 4 750 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 17 | 17 | | 28 646 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 4 | | 4 | 6 721 |
| 10. | Сирдарё вилояти | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 11 | 11 | | 7 793 |
| 12. | Фарғона вилояти | 6 | 4 | 2 | 7 637 |
| 13. | Хоразм вилояти | | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри | | | | |
| | **2019 йил** | 103 | 80 | 23 | 92 948 |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 9 655 |
| 2. | Андижон вилояти | 3 | 3 | | 3 755 |
| 3. | Бухоро вилояти | 16 | 16 | | 10 400 |
| 4. | Жиззах вилояти | 19 | 17 | 2 | 7 665 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 2 | | 2 | 6 269 |
| 6. | Навоий вилояти | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 2 | 2 | | 4 500 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 15 | 15 | | 25 276 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 6 | | 6 | 8 341 |
| 10. | Сирдарё вилояти | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 33 | 22 | 11 | 13 053 |
| 12. | Фарғона вилояти | 5 | 3 | 2 | 4 033 |
| 13. | Хоразм вилояти | | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри | | | | |
| | **2020 йил** | 93 | 78 | 15 | 67 216 |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 9 655 |
| 2. | Андижон вилояти | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 18 | 18 | | 8 800 |
| 4. | Жиззах вилояти | 10 | 9 | 1 | 4 161 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 2 | | 2 | 6 269 |
| 6. | Навоий вилояти | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 2 | 2 | | 3 950 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 7 | 7 | | 11 795 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 7 | | 7 | 9 139 |
| 10. | Сирдарё вилояти | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 37 | 33 | 4 | 10 734 |
| 12. | Фарғона вилояти | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Хоразм вилояти | 6 | 6 | | 2 164 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 2 | 1 | 1 | 550 |
| | **2021 йил** | 54 | 47 | 7 | 46 871 |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 9 655 |
| 2. | Андижон вилояти | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 16 | 16 | | 6 400 |
| 4. | Жиззах вилояти | 6 | 6 | | 2 628 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | | | | |
| 6. | Навоий вилояти | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 2 | 2 | | 3 350 |
| 8. | Самарқанд вилояти | | | | |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 4 | | 4 | 947 |
| 10. | Сирдарё вилояти | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 18 | 16 | 2 | 20 919 |
| 12. | Фарғона вилояти | 1 | | 1 | 700 |
| 13. | Хоразм вилояти | 5 | 5 | | 2 272 |
| 14. | Тошкент шаҳри | | | | |
| | **2022 йил** | 14 | 8 | 6 | 17 461 |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2 | | 9 655 |
| 2. | Андижон вилояти | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 2 | 2 | | 3 500 |
| 4. | Жиззах вилояти | 2 | | 2 | 438 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | | | | |
| 6. | Навоий вилояти | | | | |
| 7. | Наманган вилояти | 2 | 2 | | 2 950 |
| 8. | Самарқанд вилояти | | | | |
| 9. | Сурхондарё вилояти | | | | |
| 10. | Сирдарё вилояти | | | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 6 | 2 | 4 | 918 |
| 12. | Фарғона вилояти | 0 | | | |
| 13. | Хоразм вилояти | | | | |
| 14. | Тошкент шаҳри | | | | |

* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш якунларига кўра аниқлаштирилиши лозим.

** Кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик таъминоти «Навоий КМК» ДКнинг идоравий қозонхоналари томонидан амалга оширилади.

*** Марказий қозонхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
4-ИЛОВА

**2018 — 2022 йилларда иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш**

ПАРАМЕТРЛАРИ

| Т/р | Ҳудудлар номи | Магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқлари | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Тармоқла | Ҳисобланг | шу жумладан, | | | | |
| | | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил |

| | | р-нинг жами узунлиги (минг п/м) | ан қиймати* (млн сўм) | Жами (минг п/м) | ҳисоблаган қиймати* (млн. сўм) | Жами (минг п/м) | ҳисобланган қиймати*(млн. сўм) | Жами (минг п/м) | ҳисоблаган қиймати* (млн. сўм) | Жами (минг п/м) | ҳисоблаган қиймати* (млн. сўм) | Жами (минг п/м) | ҳисобланган қиймати*(млн. сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Жами** | **2 642,1** | **1 426 927** | **287,7** | **116 212** | **548,5** | **248 722** | **607,2** | **398 494** | **534,3** | **296 108** | **664,4** | **367 389** |
| | шу жумладан: | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 19,0 | 23 727 | 3,9 | 4 647 | 3,9 | 4 660 | 2,6 | 3 382 | 8,6 | 11 038 | | |
| | вилоятлар: | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Андижон | 57,0 | 13 224 | 11,4 | 2 645 | 11,4 | 2 645 | 11,4 | 2 645 | 11,4 | 2 645 | 11,4 | 2 645 |
| 3. | Бухоро | 133,7 | 64 161 | 9,9 | 4 628 | 21,1 | 10 406 | 29,8 | 14 187 | 35,1 | 16 586 | 37,8 | 18 354 |
| 4. | Жиззах | 29,3 | 1 237 | 4,0 | 165 | 4,5 | 294 | 6,4 | 254 | 6,2 | 234 | 8,2 | 291 |
| 5. | Қашқадарё | 49,9 | 46 315 | 18,8 | 17 109 | 25,2 | 23 350 | 5,9 | 5 856 | | | | |
| 6. | Навоий ** | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Наманган | 73,7 | 26 016 | 14,7 | 5 189 | 14,7 | 5 189 | 14,7 | 5 189 | 14,7 | 5 189 | 14,9 | 5 260 |
| 8. | Самарқанд | 147,0 | 51 450 | 29,4 | 10 290 | 29,4 | 10 290 | 29,4 | 10 290 | 29,4 | 10 290 | 29,4 | 10 290 |
| 9. | Сурхондарё | 39,3 | 10 821 | 5,7 | 1 892 | 7,8 | 2 088 | 8,2 | 2 143 | 8,2 | 2 136 | 9,5 | 2 561 |
| 10. | Сирдарё *** | | | | | | | | | | | | |
| 11. | Тошкент | 876,8 | 181 586 | 141,1 | 27 773 | 306,9 | 82 362 | 136,9 | 25 473 | 160,0 | 24 853 | 131,9 | 21 125 |
| 12. | Фарғона | 133,2 | 60 435 | 18,4 | 10 876 | 29,3 | 12 645 | 30,9 | 12 943 | 30,3 | 13 206 | 24,3 | 10 764 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Хоразм | 45,4 | 25 740 | 0,0 | 0 | 1,3 | 761 | 3,2 | 2 233 | 13,3 | 8 252 | 27,6 | 14 494 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 1 037,8 | 922 215 | 30,4 | 30 999 | 93,1 | 94 032 | 327,7 | 313 898 | 217,2 | 201 680 | 369,4 | 281 606 |

* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш якунларига кўра аниқлаштирилиши лозим.

** Кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик таъминоти «Навоий КМК» ДКнинг идоравий қозонхоналари томонидан амалга оширилади.

*** Иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
5-ИЛОВА

## 2018 — 2022 йилларда хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш

## ПАРАМЕТРЛАРИ

млн сўм

| **Т/р** | **Ҳудудлар номи** | **Сони** | | **Хонадонларга якка тартибда ички қозонлар ўрнатиш** | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Жами** | | **шу жумладан:** | | | | | | | | | |
| | | | | | | **2018 йил** | | **2019 йил** | | **2020 йил** | | **2021 йил** | | **2022 йил** | |
| | | **уйлар** | **хонадонлар** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** | **сони** | **ҳисобланган қиймати*** |
| | **Жами** | **6 572** | **140 392** | **140 392** | **749 583** | **26 806** | **136 369** | **28 606** | **153 713** | **28 532** | **153 006** | **29 152** | **160 078** | **27 296** | **146 417** |
| | **шу жумладан:** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 167 | 27 232 | 27 232 | 136 160 | 5 444 | 27 220 | 5 444 | 27 220 | 5 444 | 27 220 | 5 444 | 27 220 | 5 456 | 27 280 |
| | вилоятлар: | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Андижон ** | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Бухоро | 350 | 4 200 | 4 200 | 16 800 | 1 050 | 4 200 | 1 050 | 4 200 | 1 050 | 4 200 | 1 050 | 4 200 | 0 | 0 |
| 4. | Жиззах | 39 | 610 | 610 | 3 050 | 144 | 720 | 250 | 1 250 | 216 | 1 080 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | Қашқадарё | 298 | 3 186 | 3 186 | 15 930 | 636 | 3 180 | 636 | 3 180 | 636 | 3 180 | 636 | 3 180 | 642 | 3 210 |

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Навоий *** | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Наманган | 600 | 13 020 | 13 020 | 65 100 | 2 605 | 13 025 | 2 605 | 13 025 | 2 605 | 13 025 | 2 605 | 13 025 | 2 600 | 13 000 |
| 8. | Самарқанд | 589 | 15 592 | 15 592 | 77 960 | 3 118 | 15 590 | 3 118 | 15 590 | 3 118 | 15 590 | 3 118 | 15 590 | 3 120 | 15 600 |
| 9. | Сурхондарё | 662 | 10 282 | 10 282 | 51 410 | 2 055 | 10 275 | 2 055 | 10 275 | 2 055 | 10 275 | 2 055 | 10 275 | 2 062 | 10310 |
| 10. | Сирдарё | 1 126 | 16 946 | 16 946 | 76 257 | 3 442 | 15 489 | 3 392 | 15 264 | 3 434 | 15 453 | 3 354 | 15 093 | 3 324 | 14 958 |
| 11. | Тошкент | 268 | 13 942 | 13 942 | 130 006 | 1 096 | 10 590 | 3 247 | 29 664 | 3 187 | 29 048 | 3 858 | 36 335 | 2 554 | 24 369 |
| 12. | Фарғона | 343 | 12 948 | 12 948 | 64 740 | 2 728 | 13 640 | 2 321 | 11 605 | 2 299 | 11 495 | 2 544 | 12 720 | 3 056 | 15 280 |
| 13. | Хоразм | 1 130 | 22 434 | 22 434 | Г 112 170 | 4 488 | 22 440 | 4 488 | 22 440 | 4 488 | 22 440 | 4 488 | 22 440 | 4 482 | 22 410 |
| 14. | Тошкент шаҳри ** | | | | | | | | | | | | | | |

* Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш якунларига кўра аниқлаштирилиши лозим.

** Якка тартибда хонадонларга ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш назарда тутилмайди.

*** Кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик таъминоти «Навоий КМК» ДКнинг идоравий қозонхоналари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сон қарорига
6-ИЛОВА

## 2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш

## КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАРИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбалари | Бажариш муддатлари | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | **I. Иссиқлик таъминоти соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштириш** | | | | |
| 1. | Иссиқлик таъминоти соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | Куёш коллекторлари билан бирга энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар, шунингдек, хонадонларга якка тартибда ички | | 2017 йил 1 июнгача | «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АК, Ўздавэнергоназорат» ДИ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | иссиқлик таъминоти тизимларини лойиҳалаштириш ҳамда қуришнинг қурилиш нормалари ва лойиҳалаш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш | | | |
| | | Қуёш коллекторларини тайёрлаш, синаш ва қўллаш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | 2017 йил 1 июлгача | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги |
| | | Ижтимоий инфратузилма объектлари ва кўп хонадонли уй-жой фондини иситиш мавсумига тайёрлаш қоидаларини ишлаб чиқиш | | 2017 йил 1 сентябргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | Иссиқлик таъминоти ташкилотлари томонидан когенерация режимида ишлаб чиқариладиган электр ва иссиқлик энергияси реализациясини ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | 2018 йил 1 январгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АК |
| | | Иссиқлик таъминоти объектларини ишга тушириш ва эксплуатациядан чиқариш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | 2018 йил 1 январгача | Давлат рақобат қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Иссиқлик таъминоти соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | Қўлланилаётган технологияни ва иссиқлик тармоқларининг техник ҳолатини эътиборга олган ҳолда иссиқлик таъминоти ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатишда технологик сарф ва йўқотишлар методикасига ўзгартиришлар киритиш | | 2017 йил 1 августгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўздавэнергоназорат» ДИ |
| | | Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда кўп хонадонли уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш | | 2017 йил 1 августгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси |
| | | Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республиканинг иссиқлик ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 300-сон қарорининг иссиқхона хўжаликларига кўрсатиладиган хизматларни тақиқлашни бекор қилиш қисмига ўзгартиришлар киритиш | | 2017 йил 1 августгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **II. Истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш сифатини ошириш ва унинг узлуксизлигини таъминлаш** | | | | |
| 3. | 2018 — 2022 йиллар даврида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш Дастурининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш | 1-босқич<br>Иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизимига ўтилишини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш барча босқичларини (ишлаб чиқариш, ташиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни) инобатга олиб, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш Дастури доирасида лойиҳаларни амалга оширишда комплекс ёндошувни назарда тутувчи иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш | Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси | 2017 йил 1 июлгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, «Иссиқликэнергиялойиҳа» АЖ, «ЎзИнжиниринг» РЛИ, «УйжойЛИТИ», АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | 2-босқич<br>Дастурни амалга ошириш бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | 2017 йил 1 июлгача | |
| | | 3-босқич<br>Марказий қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш | | 2017 йил 1 сентябргача | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | лойиҳаларининг ТИА (ТИҲК)ларини бир босқичли тартибда ишлаб чиқиш ва уларни ваколатли органларда экспертизадан ўтказиш | | | |
| | | 4-босқич<br>Маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказиш | | 2017 йил 1 октябргача | |
| | | 5-босқич<br>Тендер (танлов) асосида лойиҳаларнинг ТИА (ТИҲК)лари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқланиши натижаларига кўра Дастур доирасида лойиҳалар амалга оширилиши юзасидан масъул бўлган пудрат ташкилотларини тегишли тажрибага, техник ва молиявий салоҳиятга эга бўлган ташкилотлар орасидан белгилаш, бунда тендер (танлов) ҳужжатларида ихтисослаштирилган сервис | | 2017 йил 10 декабргача | |
| | | | | 2017 йил 15 декабргача | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | компанияларини ташкил этиш тарзида уларни қуриш ва кейинчалик маҳаллий қозонхоналарга таъмирлаш-сервис хизмати кўрсатилишини назарда тутиш<br>6-босқич<br>2018 — 2022 йиллар даврида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича лойиҳа-смета ишларини бажаришга доир манзилли тармоқ жадвалларини тасдиқлаш | | | |
| | **III. Иссиқлик таъминоти тизимига энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш** | | | | |
| 4. | Энергия тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилишини таъминлаш ва иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш | Молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда кўп хонадонли уйларнинг кириш жойида иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларни (уйлар учун умумий) ўрнатиш дастурини ишлаб чиқиш | | 2017 йил 1 сентябргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | Европа мамлакатларининг тажрибасидан келиб чиқиб Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги кўп хонадонли уйларни санациялаш бўйича (деворлар ва полларни иситиш, деразаларни | ХМИ кредитлари ва грантлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг | 2017-2018 йиллар | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | алмаштириш ва бошқа тадбирлар ҳисобига энергия самарадорлигини ошириш) тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | маҳаллий бюджетлари | | |
| | | Техник имкониятларни ва лойиҳа ечимларини ҳисобга олган ҳолда энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналарни қуришда гелоқурилмалардан фойдаланиш | Ижтимоий соҳа объектлари учун – давлат бюджети ҳисобидан марказлаштирилган инвестициялар; ХУЖМШнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг ўз маблағлари, пудрат ташкилотларининг ўз маблағлари, кўп хонадонли уйлар учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси | 2018 — 2022 йиллар | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Иссиқликэнергия лойиҳа» АЖ, «ЎзИнжиниринг» РЛИ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | Балконларнинг майдони иситиладиган майдонларга қўшиб юборилган ҳолда қайта режалаштирилган мавжуд кўп | | ҳар йили, 2018 йил 1 январь бошидан | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | хонадонли уйларда энергияаудитини ўтказиш.<br>Энергияаудит натижаларига кўра қайта режалаштирилган хонадонлар учун марказий иситиш хизмати ҳақини ҳисоб-китоб қилишда оширилувчи коэффициент қўлланилишини назарда тутувчи нормани белгиланган тартибда жорий этиш | | | ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари, «ЎзИнжиниринг» РЛИ, «Иссиқликэнергия лойиҳа» АЖ, АЖ «УйжойЛИТИ» |
| | **IV. Иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ички захираларини сафарбар этиш** | | | | |
| 5. | Қозонхоналарда иссиқлик энергияси, электр энергияси, табиий газ ҳисоблагичларини, сув сарфи ўлчагичларини ўрнатиш (жадвал бўйича) | 1-босқич<br>Энергия таъминоти ва сув ҳисоблагичлари билан жиҳозланиш инвентаризацияси<br>2-босқич<br>Замонавий ҳисоблаш приборларини харид қилиш<br>3-босқич<br>Замонавий ҳисоблаш приборларини ўрнатиш<br>4-босқич<br>Ҳисоблаш приборларини «Ўзстандарт» агентлиги органларида ҳисобдан ўтказиш | иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари | 2017 йил 1 июлгача<br>2017 йил 1 августгача<br>2017 йил 1 сентябргача<br>2017 йил 1 октябргача | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари |
| 6. | Хонадонлар ичида иссиқ сув ҳисоблагичларини ўрнатиш | 1-босқич<br>Энергия таъминоти ва сув ҳисоблагичлари билан жиҳозланиш инвентаризацияси<br>2-босқич | абонентларнинг ўз маблағлари | 2017 йил 1 октябргача<br>2017 йил 1 | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Иссиқ сув ҳисоблагичларини ўрнатиш манзилли жадвалларини тасдиқлаш<br>3-босқич<br>Абонентларнинг маблағлари ҳисобига сув ҳисоблагичларини ўрнатиш ишларини ўтказиш | | ноябргача<br><br>жадвал бўйича | ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари, «Ўзстандарт» агентлиги |
| 7. | Истеъмолчиларнинг илгари ўрнатилган ҳисоблагичларини текшириш, текширилган муддати ўтиб кетган ва носоз ҳисоблагичларни аниқлаш, уларни текширувдан ўтказишни ташкиллаштириш | 1-босқич<br>ОАВ, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, УЖМШ орқали аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш<br>2-босқич.<br>Ўрнатилган ҳисоблагичлар инвентаризацияси ва текшириш муддати ўтиб кетган ҳамда носоз ҳисоблагичларни аниқлаш<br>3-босқич<br>Ҳисоблагични текшириш ёки таъмирлаш зарурлиги тўғрисида тақдимнома бериш | иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари | 2017 йил 1 июлгача<br><br>2017 йил 1 августгача<br><br>2017 йил 1 сентябргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари, «Ўздавэнергоназорат» ДИ |
| 8. | Режимли хариталарни берган ҳолда қозон агрегатларида режим-созлаш синовларини махсус ташкилотларни жалб этган ҳолда бажариш | 1-босқич<br>Ихтисослаштирилган пудрат ташкилотини белгилаш ва режим-созлаш синовларини ўтказиш бўйича шартнома тузиш | | 2017 йил 1 августгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари |
| | | 2-босқич<br>Режим-созлаш синовларини ўтказиш | иссиқлик таъминоти ташкилотлари | 2017 йил 1 сентябргача | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3-босқич Махсус ташкилот тавсияларининг бажарилишини мониторинг қилиш | нинг ўз маблағлари | 2017 йил 1 октябрга ча | |
| 9. | Иссиқлик таъминоти (магистрал, тақсимлаш иссиқлик тармоқлари) тизими иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш | 1-босқич Уйлар ичидаги элеватор узеллари ва хизмат қилувчи қурилмаларнинг жиҳозланиши ва техник ҳолати инвентаризацияси | иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари | жадвал бўйича ҳар йили 1 октябрга ча | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари, «Ўздавэнергоназорат» ДИ |
| | | 2-босқич Махсус ташкилотлар билан гидравлик ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш шартномасини тузиш | | | |
| | | 3-босқич Иссиқлик таъминоти ташкилоти томонидан гидравлик ҳисоб-китоб учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш | | | |
| | | 4-босқич Элеватор узеллари ва хизмат қилувчи қурилмаларни танлаш бўйича гидравлик ҳисоб-китобларнинг натижаларига мувофиқ истеъмолчиларга (шу жумладан УЖМШларга) тавсияномалар бериш | | | |
| | | 5-босқич Истеъмолчилар, (жумладан | истеъмолчиларнинг ўз маблағлари | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | УЖМШлар) томонидан иссиқлик таъминоти ташкилотининг тавсияномаларини бажариш | | | |
| | **V. Истеъмолчиларни ва кўрсатилаётган хизмат ҳажмларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш** | | | | |
| 10. | Уй-жой фонди ва истеъмолчилар инвентаризациясини ҳисобга олган ҳолда марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимининг иссиқлик энергияси солиштирма истеъмолини қайта кўриб чиқиш | 1-босқич<br>Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, УЖМШ, паспорт столлари ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда кўп хонадонли уй-жой фонди ва иссиқлик таъминоти ташкилоти истеъмолчиларини инвентаризациядан ўтказиш<br>2-босқич<br>Ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилоти томонидан шартнома асосида ҳисоб-китобларни ўтказиш ва марказий иситиш ҳамда иссиқ сув таъминоти тизимида иссиқлик энергиясининг солиштирма истеъмолини белгилаш<br>3-босқич | иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари | ҳар йили 1 сентябргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, ИИВ, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Иссиқлик энергиясининг солиштирма истеъмолининг ишлаб чиқилган ва келишилган нормаларини Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш | | | |
| 11. | Иссиқлик энергияси ҳосил қилишга сарфланадиган ёқилғи, электр энергияси ҳамда ўз эҳтиёжлари ва технология эҳтиёжларига сарфланадиган энергия ресурсларининг нормаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 1-босқич<br>Энергетика ресурслари сарфланиши нормаларини ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилоти билан шартнома тузиш<br>2-босқич<br>Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва ташишга сарфланадиган ёқилғи электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув нормалари, шунингдек, технологик нобудгарчиликлар нормалари ҳамда иссиқлик юкламаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ иссиқлик энергиясини ҳосил қилишга ёқилғи, электр энергиясини сарфлаш, шунингдек, ўз эҳтиёжлари ва технологияэҳтиёжларга энергия ресурсларини сарфлаш | Иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари | ҳар йили 1 сентябргача 2017 йил 1 декабргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик таъминоти ҳудудий ташкилотлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | нормаларини белгилаш<br>3-босқич<br>Ҳисоб-китобларни тегишли равишда «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўздавэнергиязназорат» билан келишиб олиш ва уларни тасдиқлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш<br>4-босқич<br>Маълумотлар базасини биллинг тизимига киритишни ниҳоясига етказиш | | | |
| | **VI. Иссиқлик таъминоти соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш** | | | | |
| 13. | Иссиқлик таъминоти соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш | Авария ишларини бажаришга истеъмолчилардан буюртма қабул қилувчи кечаю-кундуз ишлайдиган диспетчерлик ва авария хизматларини, шунингдек, авария-созлаш, тиклаш ишларини тезкорлик билан амалга оширувчи сайёр бригадаларни ташкил этиш | | 2018 йил 1 январгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АК |
| | | Иссиқлик таъминоти тизимини модернизациялаш ва номарказлаштиришни назарда тутувчи 2018 — 2022 йиллар даврида иссиқлик таъминоти | | 2018 йил 1 июлгача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АК, «Ўздавэнергоназорат» ДИ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тизимини ривожлантириш Дастури амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик таъминотини бошқариш тузилмасини қайта кўриб чиқиш, иссиқлик таъминоти ташкилотининг намунавий ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмасини, маҳаллий қозонхоналарга хизмат кўрсатувчи сервис ташкилотларининг тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | | |
| | | Иссиқлик таъминоти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талаблари ва давлат стандартларини ишлаб чиқиш | | 2017 йил 1 июнгача | «Давархитекткурилиш» қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АК, «Ўздавэнергоназорат» ДИ |
| | | Иссиқлик таъминоти ташкилотларини малакали кадрлар билан тўлдириш, тизимли таълим олишни йўлга қўйган ҳолда ходимларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш бўйича ташкилий- | | 2017 йил 1 июнгача | «Давархитекткурилиш» қўмитаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | амалий чораларни амалга ошириш | | | |
| | | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўзкоммунўқув» Республика ўқув-услубий, норматив-инжиниринг марказида бошқарув бўғини мутахассисларининг малакаси ҳар йили ошириб борилишини амалиётга татбиқ этиш | | 2018 йил 1 январгача | Давлат рақобат қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| 14. | Иссиқлик таъминоти соҳасида ўқитиш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш | Реал иш вазиятларида амалий ўқитиш базасини қўллаган ҳолда мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг билим бойлигини ошириш учун тегишли программалар — стажировкалар ўтказилишини ташкиллаштириш мақсадида халқаро таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш | | 2017 йил 1 сентябргача | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарорига**

ШАРҲ

Аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароит яратишда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўйича узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатиш энг муҳим омиллардан бири саналади.

Мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950 — 1970 йилларда очиқ сув тақсимоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган.

Монтаж қилишда кам маблағ сарфланадиган, аммо фойдаланишда катта миқдорда маблағ талаб қиладиган бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларининг ўзига хослиги ички иситиш тизими ва иссиқлик тармоқлари қувурларининг хизмат қилиш муддати

қисқалиги, иссиқликни ишлаб чиқариш, транспортировка ва истеъмол қилишда эксплуатация харажатларининг юқорилиги, тармоқлар орқали сув узатиш ва иссиқлик қуввати таъминотида белгиланган меъёрдан ортиқ маблағ сарфланиши билан ифодаланади.

Бугунги кунда қозонхона ускуналари ва тармоқларнинг ўта эскиргани сабабли, мавжуд иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик манбаларидан мақбул даражада фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти, бу эса иссиқлик таъминоти корхоналари фаолиятига, истеъмолчиларни иссиқлик хизмати ва иссиқ сув билан таъминлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйлар кўпинча сертификатга эга бўлмаган ва ёнғин хавфсизлиги кафолатланмаган газ ва электр ускуналари билан иситилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимини замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарор билан мамлакатимизда иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурс тежайдиган янги технология ва ускуналарни, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимини энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминот тизимини ўрнатиш орқали ривожлантириш;

жисмоний ва маънавий эскирган, тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини, ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, алмаштириш;

энергия ресурслари истеъмоли ва ишлаб чиқарилишини меъёр бўйича ҳисоблашни амалда қўллаш, истеъмолчиларни ҳамда иссиқлик таъминоти хизматларини ҳисоблаш ва тўловларни амалга оширишга автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш.

Қарорда 2018 — 2022 йилларда марказий қозонхона, иссиқлик тармоқлари, маҳаллий қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган, жумладан, гелиоқурилмаларни қўллаш орқали маҳаллий қозонхоналар қуриш, хонадонларга якка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ушбу қарорда Дастурнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари масъул этиб, шунингдек, иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш (ишлаб чиқариш, ташиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш)нинг барча босқичлари инобатга олинган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга комплекс ёндашувни кўзда тутувчи Иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланди.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, пудрат ташкилотлари маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,7 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Қарорда маҳаллий қозонхоналар ва хонадонлар ичидаги якка тартибдаги иссиқлик таъминоти тизимининг энергия самарадорлиги бўйича шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш, бино ва иншоотлар лойиҳасида уларга қуёш коллекторлари ўрнатишни назарда тутиш, шунингдек, қуёш коллекторларини тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва қўллашга доир давлат стандартларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга якка тартибда ўрнатиладиган ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда уларни Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг ижро этилиши:

биринчидан, шаҳар ва туман марказларида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун ижтимоий-маиший қулай шароитлар яратиш;

иккинчидан, барча тоифадаги истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш;

учинчидан, самарадорлиги юқори бўлган қозонхона ва насос ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, замонавий технологияларни қўллаш ҳисобидан табиий газ ва электр энергиясини тежаш имконини беради.

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 316-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2020 й., 06/20/5370/0975-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон)*